

# O'ZBEKISTON

# OYOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA



• 2005-YIL • 19-FEVRAL • SHANBA • 21 (27.356) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

## ЎЗХДП янгилликлари

### АКАДЕМИЯ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари учун ташкил этилган навбатдаги «давра суҳбати» Миллий истиқлол ғояси мавзусига бағишланди. Академиянинг биринчи проректори Ибодулло Эргашев олиб борган тадбирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштироки ва суҳбатнинг эркин мулоқот шаклида олиб борилиши тўғрисида мулоқот қилинди.

«Давра суҳбати»да қатнашган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракциясининг раҳбари Аслиддин Рустамов мавзуда оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, у тингловчиларнинг партиямиз сайловлардан кейинги даврдаги фаолияти, Ўзбекистон ХДПни мамлакат сиёсий қуралининг сўл қаноти деб эълон қилинишининг моҳияти ва аҳамияти, унинг парламент муҳолифати сифатидаги қилинажак ишлари каби кўп қатламли саволларга жавоб берди.

Собир ШЕРАЛИЕВ



2005 йил — Сихат-саломатлик йили

### САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

дейди Сарийосиё тумани марказий шифохонаси шифокори Шаҳноза Бердиева

— Ҳар қайси инсон бу бойлигининг қадрига етиши, уни авайлаб-асрамоғи зарур. Бунинг учун жисмоний ва руҳий чиқиб, мусоффо ҳаво, тоза сув билан бир қаторда тинчлик ва осойишта ҳаёт, соғлом турмуш тарзи, зарур пайтларда малакали тиббий ёрдам ҳам талаб қилинади. Биз шифокорлар ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи талабларини тарғиб қилишга, таълимнинг олдини олишга алоҳида аҳамият бераёلمиз. Бу масалада кейинги йилларда туманимизда ҳам анчагина ишлар қилинди.

Айни пайтда тумanning 149 миң аҳолисида 251 нафар олий маълумотли, 2200 нафар ўрта махсус малакали шифокор хизмат кўрсатаётди. 14 та қишлоқ врачлик пункти, поликлиника, амбулатория ва дорихоналар мавжуд.



Суратларда: бир гуруҳ шифокорлар; туман марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими шифокори Абдуҷаббор Ашуров ҳамшира Манзура Мамажонова билан беморни тиббий кўридан ўтказиётган пайт. Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши** «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими ва касб-ҳунар таълими бошқармаси билан биргаликда Қарши санъат коллежида тадбир ўтказди. Тадбирда иштирок этган Қарши муҳандислик-иқтисодий институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси М.Нормуродов Президентимизнинг парламент икки палаталари қўшма мажлисида қилган маърузасида белгиланган устувор вазифалар ва юртимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар ҳақида тўхталиб, бу жараёнларда ёшларнинг ҳам иштироки муносиб бўлишини таъкидлади. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби О.Равшанов коллеж ўқувчиларига ЎЗХДП фаолияти, унинг юртимиз сиёсий ҳаётдаги ўрни ҳақида гапирди.

**ХДП Жиззах вилоят кенгаши** Жиззах давлат педагогика институти олимлари билан биргаликда Юрбошимизнинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида қилган маърузасини кенг жамоатчиликка тушунтириш режасини ишлаб чиқди. Олимлар ва партия ходимлари жойларда маърузада белгиланган устувор вазифалар, уларни амалга оширишда ҳар бир фуқаронинг фаол иштирок этиши кераклигини тушутиришди.

**Марҳамат туман партия кенгаши** бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотларининг ўқув семинари ҳам шу мавзуга бағишланди. Юрбошимиз маърузасида илгари сурилган устувор вазифалар, қонда ва ҳулосалар партия ташкилотлари етакчиларининг диққат марказида бўлди.

Шунингдек, мазкур йўналишдаги йиғинлар **ХДП Қарши шаҳар ва Касби туман кенгашлари** ташаббуси билан ҳам ташкил этилди.

**Жиззах вилоят партия кенгаши**да жорий йилнинг «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан йиғилиш ўтказилди. Партия кенгаши биринчи котиби Ж.Исроилов «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг амалга оширилишида партия ташкилотларининг иштироки, уларнинг бу борадаги фаолият йўналишлари тўғрисида гапирди. Сўзга чиққан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Р.Мўминов, Зафаробод туман партия кенгаши биринчи котиби А.Ғаниев ва бошқалар мазкур дастурни бажариш юзасидан ўзларининг тақлифларини билдирдилар.

**ХДП Хонқа туман кенгаши** туман марказий шифохонасига қарашли болалар поликлиникаси ва туман солиқ инспекциясида «Маънавият ва саломатлик кўни» мавзусида «давра суҳбатлари»ни ташкил қилди. Унда иштирок этган партия фаоллари, шифокорлар ва мутахассислар Сихат-саломатлик йилида амалга ошириш лозим бўлган ишлар, уларда партия ташкилотларининг иштироки хусусида суҳбатлашдилар.

**Бувайда туман партия кенгаши**, қатор жамоат ташкилотлари туман бўлиmlари ҳамкорликда Сихат-саломатлик йили муносабати билан ўтказиладиган қўшма тадбирлар режасини ишлаб чиқдилар. Унда қариялар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиш, тегишли ташкилотларнинг ҳомилик кўмагини ташкил қилиш ва сихат-саломатликка бағишланган учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

### ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Бельгия қироллигидаги элчиси Владимир Норов Бельгия қироли Альберт Иккинчига ишонч ёрлиқлари топширди.

Бўлиб ўтган самимий мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги икки то-

монлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Қирол Альберт Иккинчи Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий жаҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини юқори баҳолади ҳамда мамлакат раҳбарияти

олиб бораётган сиёсат республика барқарорлиги ва иқтисодий тараққиётини таъминлашга ишонч билдирди, мамлакатимизнинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорлигини сақлашдаги муҳим ролин таъкидлади.

«Жаҳон» АА

### МАРДЛАР ХОТИРАСИ — ҲАМИША УЙҒОҚ

Наманганнинг мard ўғлонлари — катта лейтенант Иномжон Юсупов, катта сержант Равшанжон Аббосов, кичик сержант Умархон Жўраевлар бир гуруҳ экстремистларни қуролsizлантириш ва қўлга олиш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди. «Дўстлик» теннис кортида ўтказилган бу гапги хотира турнири вилоят ички ишлар бошқармасининг ана шу ўғлонларига эҳтиром изҳори бўлди. Хотира турнирига тақлиф этилган қаҳрамонларнинг ота-оналари, оила аъзоларига вилоят, шаҳар ҳокимликлари ҳамда вилоят ички

ишлар бошқармаси томонидан қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Вилоят ҳокими, Сенат аъзоси Икромхон Наҳиддинов, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари иштирок этган мусобақа кўтаринки рўҳда қўланди. Турнирнинг ёпилиш маросимида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Усмонов мard ўғлонлар хотирасини хурмат ила тилга олиб, турнир ҳар йили ўтказилишини маълум қилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

### «ХИЗБУТ-ТАҲРИР» АТАЛМИШ ТАШКИЛОТНИНГ «БЕЗОР» АЪЗОЛАРИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

«Интерфакс» агентлигининг хабарига кўра, 2005 йил 17 февралда Қарағанда шаҳрида «Хизбут-таҳрир» экстремистик ташкилотининг тарафдори қўлга олинган. Унинг ёнидан портловчи модда ва экстремистик мазмундаги варақалар топилди.

Вилоят полицияси матбуот хизматидан маълум қилишларича, вилоят ички ишлар бошқармаси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари ўтган чоршанба кўни эрта-лаб «Хизбут-таҳрир» тарафдо-

рини қўлга олган. У ижарада турган хонадонда ўтказилган тинув чоғида қўлга олинган араб ва рус тилларидаги экстремистик мазмундаги 140 та варақа топилди. Шунингдек, унинг ёнидан портловчи модда ҳам топилди.

Қирғизистоннинг «АКИ-пресс» ахборот агентлиги хабарларига кўра, шу кўнларда Ўш вилояти ва шаҳри ички ишлар бошқармалари ходимлари махсус операция ўтказган. Унинг давомида Қорасу шаҳрида диний-экстремистик гуруҳлар билан алоқдорликда

гумон қилинган 1976 йилда турилган йигит қўлга олинди. Илгари судланган мазкур фуқароннинг уйдан салкам 1 килограмм портловчи модда, 2 та детонатор ва 28 сантиметр биффорд илти топилди. Бундан ташқари, унинг уйдан диний-экстремистик мазмундаги кўп қатламли варақалар, китоблар ва видеокассеталар чиқди.

Мавжуд маълумотларга кўра, қўлга олинган шахс «Хизбут-таҳрир»нинг фаол аъзоларидан биридир.

(ЎзА)

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBII OLIYLARIGA

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич, Украина Президенти этиб сайланганимиз муносабати билан йўллаган самимий табригиниз ҳамда Украина халқига билдирган эҳтиромингиз учун Сиздан гоят миннатдорман.

Ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари борасидаги қарашларингизни тўла қўллаб-қувватлайман.

Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз тўғрисида бундан бундан ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида муносабатларимизни, тақомиллашиб бораверишига ишончим комил.

Ҳамкорлигимизнинг энг истиқболли йўна-

лишларидан бири ёқилғи-энергетика мажмуи бўлганлиги боис яқин вақт ичида бу соҳада ўзаро келишилган ҳолда тегишли ҳужжатлар имзоланади, деган умиддаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ўзингиз учун қўлай вақтда Украинага ташриф буюришга тақлиф этмоқчиман ҳамда Сизга, муҳтарам Ислам Абдуганиевич, чин дилдан мустаҳкам соғлиқ ва давлатни бошқариш фаолиятингизда янги муваффақиятлар, серқўш Ўзбекистоннинг дўст халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,  
Виктор ЮЩЕНКО,  
Украина Президенти

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

18 февраль кўни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2004 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда иқтисодийни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номи маърузасида 2004 йилда мамлакатимиз иқтисодийни ривожлантиришнинг асосий яқунларига тўхталар экан, ўтган йил биз учун осон кечмаган бўлса-да, эришилган ютуқлар барчамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлади.

Авваломбор, иқтисодийнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодларни чўқурлаштириш, товар ва валюта бозорларини эркинлаштириш, маъмурий ислохотларни кенг жорий этиш тўғрисида иқтисодий-иқтисодий соҳада муайян ижобий ўзгаришларга эришилди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланди ва ўтган йил яқунлари буйича 7,7 фоиз ўсди. Саноат ишлаб чиқариши — 9,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши — 13,4, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиши — 13,8, чакана товар айланмаси ҳамжи — 4,7, асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ўсиши 5,2 фоизни ташкил қилди. Макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Истеъмол нархлари инфляциясини 3,7, давлат бюджети тақчиллиги 0,4 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгарди. Ушбу тизимда етакчилик роли фермер ҳўжалиқларига ўта бошланди. Бу, ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг 10,1 фоиз ўсишини таъминлади.

Экспорт ҳажми кескин ортиб, 1,3 баравар ўсишга эришилди. Бу эса 1037 миллион АҚШ доллари миқдоридан икки баравар ортиқ таъминлаш имконини берди. Айни вақтда таёёр маҳсулотлар экспорти 52 фоиз ўсди.

Давлат муассасаларининг ортиқча ва бир-бирини такорлайдиган функцияларига барҳам бериш борасида сезиларли ишлар қилинди. Давлат бошқаруви қўлдан қўйилган органни туғатиш ва қайта ташкил этиш, бошқарув аппаратурларида 40 миң штатни қисқартириш йўли билан давлатнинг иқтисодиётдаги ролинини муайян даражада қайта ташкил қилишга бўлинди. Айни пайтда ҳошамаёқ ва материалларнинг стратегик турларини биржа ва кимодоли савдолари орқали сотишнинг бо-

раларда, ҳўжалик бирлашмаларида сақланиб қолаётган бюрократик услуб, раҳбар ҳодимларда олдинда турган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун зарур масъулият ва омилиқликнинг етишмаслиги мавжуд нуқсон ва камчиликларнинг асосий сабаби эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ҳукуматнинг янги таркиби билан Оқсаройда ўтказилган йиғилишида сўзлаган «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди» мавзусидаги нутқида таъкидлаганидек, ҳозирги кўнда ислохотлар тақдирини, аввало, давлат ва ҳукумат идораларида маъсул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавабгар эканини барчамиз чўқур англаб олишимиз шарт. Шу маънода, мажлисда раҳбар ҳодимлар ўзлари бошқарилган соҳа ёки ҳудудларда ислохотларнинг тўла амалга оширилиши учун шахсан маъсул эканликлари яна бир бор ўқтирилди.

Йиғилишда баҳорги дала ишларига ўз вақтида тайёрлаш бўлиши таъминлаш, кўламли муддатларда қишлоқ ҳўжалиги корхоналари билан кредит битимлари тузишни тугаллаш, қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини тегишли шартномалар асосида ёниқли-моёлаш материаллари билан таъминлаш, кўламли агротехника тадбирларини ўтказишда ишлатиладиган барча қишлоқ ҳўжалиги техникасини тайёрлаш зарурлиги қайд этилди.

Вазирликлар, идоралар, Қоразалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ўн кун муддатда Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ва Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган талабларга асосан иқтисодий тармоқларда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг боришини танқид қилиб чиқиш, иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлайдиган зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азиев сўзга чиқди. Қўрилган масалалар юзасидан Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ж.Сайфиддинов, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги С.Исмоилов, Бухоро, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳокимлари С.Хусенов, У.Яманқулов, И.Нажиддинов, К.Тулаганов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKOR! Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74 WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'li TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli! Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57, Faks: 152-78-04. WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz

Шу куннинг муаммоси!

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

ёхуд Нукус шахридаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг айтганлари

Республикамиз Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Қорақалпоғистон аҳолисини ҳам қувонтирди. Шу кунларда ҳар бир даврада шу ҳақда гап...

Шу ўринда бир таклифим бор: бизнинг шароитимизга том устларини қорамой суркаб ёпиш тўғрисида келишмоқчи. Уй-жойлар томини шиферлаш мақсадга мувофиқроқ... Шундан 5 таси 5 қаватли, 21 таси 4 қаватли бўлиб, 25 таси 1990 йилгача қурилган бинолар. Тўғри, камчиликларимиз кўп. Утган йил бошланган 6 та уй-жойнинг капитал таъмири ҳалигача битмади. Бу йил ҳам таъмирланиши керак бўлган 5 та уйда ҳали ишлар бошлангани ҳам йўқ. Бунинг устига, аҳолининг электр энергияси таъминотида чекловлар ҳам қийнаётди. Масалан, кундўзги соат 9.30 дан 13.00 гача, тунги соат 24.00 дан 4.00 гача бўлган чекловлар истеъмолчиларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда. Коммунал хизмат учун мослашган техника воситалари (пайвандлаш ускуналари, насослар) етишмайди...

...Шуни тан олиш керакки, бизда коммунал тармоқлардан самарали фойдаланиш тизими, бу тармоқларни капитал тарзда алмаштириш ва модернизациялаш, умуман олганда, аҳолига коммунал-мушайиш хизмат кўрсатишнинг таъсирчан механизми амалда яратилмаган... Қисқа муддатда уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган кенг қўламли Дастур тайёрлаш, унинг ижроси бўйича барча қатъий чораларни кўриш даркор.

Ислом КАРИМОВ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузадан)

ФУҚАРО ҲАМ МАСЪУЛИЯТИНИ ҲИС ЭТСИН

Кейинги пайтларда кўп қаватли уйларда яшовчи айрим фуқаролар ўзбошимчилик билан эшик ўрни ёки уй ичига деворларни бузиб, хоналарни кенгайтиришяпти, қўшимча ванна-хоналар қилишяпти. Пастки қаватларда турли дўконлар, дорихоналар, офислар ташкил этишиб, кўча томондан эшик очилмоқда. Ички эшиклар ўрни бекитиб ташланяпти. Сейсмик минтақда яшаётганимизни инобатга оладиган бўлсак, бу турар жойлар мустаҳкамлига путур етказмайдими? Холбуки, «Уй-жой кодекси»нинг 16-моддасига кўра турар жойнинг нотуражойга айлантирилиши хоҳлаган фуқаро шахар ҳокими номига ариза ёзиши, махсус комиссия ва аризани кўриб чиқиши, мутасадди ташкилотлардан ҳулосалар олиниши ва шундан сўнггина шахар ҳокимининг қарори чиқарилиши лозим... Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ушма-марларига кўпхонадонли уй-жой фондида ўтказилган таъмирлаш ишлари қурилиш норма ва қоидаларига мувофиқлигини назорат қилиш топширилгани айни мўдда. Уй-жой мулкдорлари томонидан амалдаги қонунчилик бузилишлари аниқланган ҳолларда ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари йиғилишини чақирши ва тегишли чора-тадбирлар қўриш ваколатининг берилганлиги ҳам юқоридаги каби ўзбошимчилик ҳолларининг олдини олишга хизмат қилади. Фуқаролар ҳам ўз масъулиятларини ҳис этиши керак-да, ахир.

Ҳамиджон ГИЁСОВ Фаргона шахри

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ногиронлар, нафақахўрлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга кўрсатилаётган ёрдамни кучайтириш учун мухтазам равишда янги имкониятлар изланимоқда. Афсуски, аҳолининг кўмакталаб, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун ажратилаётган маблағларга кўз олайтириш, ўзлаштириш ҳолатлари учрамоқда. Иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида тўлаш ўрнига сохта ҳужжатлар тузиш ҳолатлари рўй бераяпти. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Баҳоидир ЗОҲИДОВ билан мулоқот шу мавзуга қаратилди.

— Юз бераётган бундай қонунбузилишлар асосан пенсия тўловларини амалга оширувчи почта-алоқа бўлимларининг айрим ходимлари томонидан содир этилмоқда. Айрим ҳолларда нақд пулларни ўзлаштириш ёки бошқа мақсадларга сарфлаш каби жиноий ҳаракатлар учраб турибди. Аниқланишича, айрим сохта мутасаддилари ногиронлар, кексалар ва ёш болали оналарга ҳар хил баҳоналарни рўй қўйиб, улар олиши лозим бўлган пулларни анча вақтгача бермаган, ҳатто ўз эътиёжлари учун ишлаб олишга мажбур қилишган.

роларда ишончсизлик ва нороозлик кайфияти пайдо бўлади. Эътибор беринг, ўтган йилда почта ходимлари томонидан 28 ҳолатда 85,3 миллион сўмлик нақд пулларни ўзлаштириш ҳолатлари аниқланди. Бу рақамлар нимами англаштишини тасаввур қиласизми?

лардан хабар олиш, уларга хизмат кўрсатиш ўрнига ҳужжатларни сохташтириб келган. Бундай ачинарли ҳолатлар шахар бўлимининг 6 нафар назоратчиси фаолиятида ҳам аниқланди. Бундан ташқари, Самарқанд шахрида рўйхатга олинган бокучиси йўқ кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга шахар транспортдан фойдаланиш имтиёзини берувчи махсус гувоҳномалар тайёрлаб берилмади. Шаҳар прокурори томонидан ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида шахар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи номига буйруқ берилди. Унга асосан бўлимнинг 13 нафар ходимига интизомий жавабгарлик масаласи қўйилди. Шеробод туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож кексаларга берилиши лозим бўлган 9 турдаги маҳсулотлар тўлиғи-

зиштиш мосламаси сўраганларнинг 46 фоизи, протез маҳсулотларига муҳтожларнинг 50,2 фоизи, хассага муҳтожларнинг 88,1 фоизи, қўлтиктаёққа муҳтожларнинг 89,1 фоизининг эҳтиёжи қондирилган. Сиҳаттоҳларга соғломлаштириш учун юборилган керак бўлган 32 минг нафар ногироннинг 27,3 минг нафари ёки 85,6 фоизи юборилган. Ёхуд прокуратура органи сазй-ҳаракати билан Тошкент шахридаги 15 нафар ёлғиз пенсионер ва 53 нафар бокучисини йўқотган оилалардан 60 нафарининг уй-жойлари таъмирланди. Мени бир нарсга қийнайдми. Олиб борилаётган ишларга панжа орасидан қаровчилар йўқ эмас. Бу фуқаролар манфаати билан боғлиқ умумий иш бўлса, унга бефарқ қараб, бир четда туриш мумкинми ахир?! Масалан, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида

Қонун барчага баробар

«Асака-ёғ» АЖ ходимларининг ўтган йил ноябрь ойига қадар тўланмай келаётган 43,5 миллион, Пешку туманидаги ХТБ ходимларининг 5 миллион, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзоларининг 3 миллион, «Бухоро» ширкат хўжалиги аъзоларининг 7 миллион, Ибн Сино номли ширкат хўжалиги аъзоларининг 9 миллион, Вобкент туманидаги 201-сонли ХҚМҚ АЖ, «Бухоро» ва «Ўзбекистон» ширкат хўжалиқлари аъзоларининг ҳам 27,7 миллион, Шофиркон туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги аъзоларининг 10,7 миллион сўмлик иш ҳақлари прокурор аралашуvidан сўнг тўланди. Уйлаб кўринг, прокуратура аралашмаси иш ҳақи тўланмаслиги керакми ёки айнан орган ходимлари аралашга-

диевнинг хатти-ҳаракатлари ҳам галати. У АТ «Пахтабанк» Бешкент бўлимининг ишчи-хизматчиларининг иш ҳақлари учун олинган 2 миллион сўм нақд пул маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-тороҳ қилган. Ҳозирда газначи тергов ходимларининг саволларига жавоб бермоқда. Тошкент шахар, Чилонзор тумани маданият ишлари бўлими бошлиғи Р.Исломов бош ҳисобчи Б.Ҳудайбергенов билан жиноий тил бириктириб, ўтган йилнинг январь ойидан июль ойига қадар маданият бўлимида умуман ишламайдиган фуқаролар билан «шартнома» тузишди. Натияжада, иш ҳақи учун ажратилган 7,3 миллион сўмлик бюджет маблағларининг ўз жигилдонлигига уришди. Шунингдек, шахар прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда «Osioy Food» ОАЖнинг 99 нафар ишчи-хизматчиларига тегишли 11,9 миллион сўмлик иш ҳақлари тўланмаётгани аниқланди, жамият раҳбарларига нисбатан маъмурий жавобгарлик иши кўзгатилиди. Ишчи-хизматчилар манфаатларининг кўзлаб, иш ҳақларини ундириш юзасидан судга аризалар киритилди.

Прокуратура органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича ноқонуний ҳужжатларга нисбатан 19 та протест келтирилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 502 та тақдимнома киритилиб, 521 нафар мансабдор ва бошқа масъул шахслар қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида оғohlантирилди. Кўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 137 та жиноят иши кўзгатилиб, етказилган 6,2 миллион сўмлик зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланди. 6,8 миллиард сўмлик иш ҳақларини ундириш тўғрисида судларга 6960 та ариза киритилди.

Ногиронларга, кам таъминланган оилаларга, кексаларга пенсиялар, корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларининг иш ҳақларини ўз вақтида тўланишини таъминлаш қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида судларга 6960 та ариза киритилди. Ногиронларга, кам таъминланган оилаларга, кексаларга пенсиялар, корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларининг иш ҳақларини ўз вақтида тўланишини таъминлаш қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида судларга 6960 та ариза киритилди.

МАОШ, НАФАҚА ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ёки ногиронлар, кам таъминланган оилалар, қарияларга тўланадиган пенсия ва нафақа пулларига хиёнат қилаётгани ҳамда баъзи корхона ва ташкилотларда ишчи-ходимларга иш ҳақининг ўз вақтида берилмаётгани ҳақида

— Тахририятимизга келиб тўлаётган шикоятлар, бўлаётган қўғирокларда баъзи фуқароларимиз ижтимоий нафақаларни ўз вақтида ололмаётганидан нолишди. Баъзилари эса берилмаган имтиёزلардан фойдаланишда чекловлар бўлаётганини ёзишган. Бундай арзномаларда жон бор. Афсуски, ижтимоий муҳофазага муҳтож одамлар ҳақида ҳам чанг солаётганлар учраб турибди. Мана бир мисол: Андижон шахридаги «Яхши» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Алимов ва хотини М.Ҳўжаевлар кам таъминланган оилалар учун ажратилган 440 минг сўм маблағни бошқа мақсадларга сарфлашади. Уларнинг таъмиргирлик йўли билан маълум миқдорда пул олиш эвазига фуқаро Т.Алимовнинг моддий ёрдам сўраб ёзган аризасини қаноатлантиришганига нима дейсиз? Самарқанд шахар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимида назоратчи бўлиб ишловчи Х.Жўраева эса 8 нафар ёлғиз кексалар, ногирон-

ча тарқатиб берилмасдан келинган. Ачинарлиси, бундай қонунбузилиш ҳолатлари Наманган ва Тошкент вилоятларида ҳам кузатилган. Хусусан, Янгийўл туманида ўтган йили 16639 нафар пенсионер ва 252 нафар ногирондан фақатгина 3 минг нафари диспансеризациядан ўтказилган. Ногирон болалардан 5 нафари хорихга даволаниш учун жўнатилиши керак бўлса-да, биронтаси юборилмаган. Қандли диабет хасталигига чалинган 11 нафар бола махсус озик-овқат билан таъминланмаган. Ҳатто туғиш ёшида бўлган аёлларнинг 50 фоизи зарурий тиббий кўридан ўтказилмаганлиги нима дейиш мумкин? Баъзан жойларда ногиронлар ёрдам сўраб ёзган аризаларга бефарқ қараш ҳоллари ҳам бўлаётгани сир эмас. Шу ҳақда ҳам маълумот берсангиз. — Утган йил давомида прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш жараёнида арава-ча сўраб мурожаат қилган ногиронларнинг 72,3 фоизи,

нидан кейингина маошлар тўланиши лозимми? Буни ишчи-ходимларга хурматсизлик, қонунчи оёқости қилиш дейилади. Қолаверса, одамлар норозилик йўғотишга сабаб бўладиган бузғунчилик деб баҳолаш керак буни. Прокуратура органлари ўтказган текширишларда айрим корхона ва ташкилот раҳбарларининг хизмат вази-ларига совуққонлик билан қараб, ҳуқуқат қарори талабини кўпол равишда бузиб, ишчи-хизматчиларнинг қонун билан қўриқилмаган манфаатларига жиддий зиён етказяётгани маълум бўлди. Масалан, «Ўзбек қоғози» ХҚ раҳбари М.Умаров ўтган йилнинг февраль ойидан ноябрь ойига қадар ишчи-хизматчиларнинг жами 140,4 миллион сўмлик иш ҳақларини тўламадан келган. Ҳозирда унга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда. «Узқилиқ» хўжалиқ-хўлдинг» компаниясининг «Техник маркази» корхонаси тизимдаги Қарши тумани МТП ДАЖ газначиси У.Худойбер-

диёвнинг хатти-ҳаракатлари ҳам галати. У АТ «Пахтабанк» Бешкент бўлимининг ишчи-хизматчиларининг иш ҳақлари учун олинган 2 миллион сўм нақд пул маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-тороҳ қилган. Ҳозирда газначи тергов ходимларининг саволларига жавоб бермоқда. Тошкент шахар, Чилонзор тумани маданият ишлари бўлими бошлиғи Р.Исломов бош ҳисобчи Б.Ҳудайбергенов билан жиноий тил бириктириб, ўтган йилнинг январь ойидан июль ойига қадар маданият бўлимида умуман ишламайдиган фуқаролар билан «шартнома» тузишди. Натияжада, иш ҳақи учун ажратилган 7,3 миллион сўмлик бюджет маблағларининг ўз жигилдонлигига уришди. Шунингдек, шахар прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда «Osioy Food» ОАЖнинг 99 нафар ишчи-хизматчиларига тегишли 11,9 миллион сўмлик иш ҳақлари тўланмаётгани аниқланди, жамият раҳбарларига нисбатан маъмурий жавобгарлик иши кўзгатилиди. Ишчи-хизматчилар манфаатларининг кўзлаб, иш ҳақларини ундириш юзасидан судга аризалар киритилди.

Прокуратура органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича ноқонуний ҳужжатларга нисбатан 19 та протест келтирилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 502 та тақдимнома киритилиб, 521 нафар мансабдор ва бошқа масъул шахслар қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида оғohlантирилди. Кўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 137 та жиноят иши кўзгатилиб, етказилган 6,2 миллион сўмлик зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланди. 6,8 миллиард сўмлик иш ҳақларини ундириш тўғрисида судларга 6960 та ариза киритилди.

